

Таассурот



ТАРАҚҚИЁТ ШИДДАТИ «АФРОСИЁБ» МИСОЛИ...

Президентимизнинг Жиззах вилоятига ташрифи чоғида ҳудуд ривожининг янги босқичига старт берилди

Президент Жиззахга учқур «Афросиёб»да келди. Бу ўша иқтисодиётнинг қон томирларига менгаладиган изларда соатига 250 километр тезликда ҳаракатланадиган кулай ва замонавий поезд.

Мен Янги Ўзбекистонда кечаётган ислохотларни ушбу уловнинг шиддати, жадаллигига қиёслагим келади. Бинобарин, мамлакатимизда шундай жараён бошланганки, ҳеч қандай куч уни тўхтатиб қолалмайди, мақсад йўлидан заррача оғиш мумкин эмас, худди «Афросиёб»дек.

Дарҳақиқат, кунда-кунора Ватанимизнинг қайсидир гўшасида корхона, ўқув муассасаси, маданий-маиший иншоотлар фаолият бошлаганидан, ёшларимиз халқаро фан олимпиадаларида ғолиб бўлганидан ёхуд спортчиларимиз шохсупага қўтарилганидан хабар топамиз. Мазкур муваффақиятлар юртни тараққий эттиришга қаратилган чўнг интилишлар самарасидир.

Кези келганда айтиш керак, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар тўлқини Жиззахни ҳам тўла қамраб олган. Бу давлатимиз раҳбарининг вилоятга ташрифида яна бир бор аққол намоён бўлди.

ОВОДЛИККА ЮЗ TUTTAN МАНЗИЛЛАР

Президент дастлаб декабрь ойининг илк кунига фойдаланишга топширилган ва Жиззах шаҳрини Тошкент – Термиз М-39 йўли билан туташтирувчи 700 метр узунликка эга янги йўл ўтказиш ҳамда 4 километрлик автомобиль йўли билан танишди. Эътиборли жиҳати, шу жараёнда ушбу инфратузилма аҳолининг узоғини яқин қилади, яъни масофа 25 километрдан 4 километрга қисқаради. Қолаверса, йўл Жиззах шаҳрини изчиллик билан бунёдга келтириляётган «Янги Ўзбекистон» массиви билан боғлайди.

Яна бир маълумот: металл асосли йўл ўтказиш темир излар узра қурилгани боис поездлар ҳаракатланганда юзага келадиган тирбандликлар барҳам топди. Ушбу жиҳат тез ёрдам, ўт ўчириш, қутқарув каби хизматлар ходимларининг фавқулодда вазиятларда тезкорликка эришишига омил бўлади. Мутахассислар таъкидига кўра, қиймати 287,2 миллиард сўми ташкил қиладиган кўприқдан аҳоли бир аср давомида фойдаланади.

Бу йўлдан кунига 14 мингдан ортиқ транспорт юра бошлагани Тошкент – Термиз йўлининг муайян қисмига тушадиган босимни сезиларли даражада камайтирмоқда. Муҳими, Жиззах яна бир ўзига хос йўл иншоотига эга бўлди.

– Илгари поездларни ўтказиб юбориш учун кесимда 15-20 дақиқа туриб қолардик, – дейди Шароф Рашидов туманининг «Ёшлик» маҳалласида яшовчи Азиз Тожибоев. – Шу сабаб баъзида вилоят марказидаги ишхонамга кечикиб борардим. Энди бу ташвиш буткул унутилади. Мазкур ўзгаришдан нафақат Жиззахликлар, балки бошқа вилоятлардан қатновчи ҳайдовчи ва йўловчилар ҳам мамнун. Бугун яна бир қувончли воқеадан хабар топдим. Президентимиз Жиззах шаҳри теваарида 10 километр узунликдаги айланма йўл қуриш таклифини билдирди. Агар бу лойиҳа амалга ошса, шаҳар ичида тигиз пайтларда юзага келадиган тирбандликлар йўқолади.

Ташриф доирасида Президент шаҳар-созлик ҳамда АЭС қурилишига оид тақдирот ҳам қатнашди. Унда вилоятда бунёд этиляётган иккита қам қувватли ва иккита катта реактордан иборат АЭС ҳақида маълумотлар берилди. Хусусан, масъулар мазкур иншоот учун қотлован қазииш, қурилиш-монтаж базасини юзага келтириш, қурилиш маҳсулотларини маҳаллийлаштириш ҳамда мутахассислар тайёрлаш бўйича қилинаётган ишлар тўғрисида тўхталдилар. Тақдимотда АЭСдан 16 километр узоқликда 10 минг кишига мўлжалланган шаҳарча қуриш, аҳоли пунктда инфратузилма ва ижтимоий объектларни бунёдга келтириш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

ОХИРГИ МАРРА ЭМАС...

Шу кунги давлатимиз раҳбари Жиззах политехника институти қошидаги автомобилсозлик илғор муҳандислик мактаби фаолияти билан ҳам танишди. Ушбу лойиҳа автомобил ишлаб чиқарувчи «BYD Uzbekistan factory» ҳамда «ADM Jizzakh» корхоналари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик натижасидир. Муассаса пайвандлаш, бўяш, йиғув ва сифат назорати билан боғлиқ жараёнлар амалга ошириладиган миниконвейерга эга бўлиб, ўқув муассасасини битирганлар автомобилсозлик корхоналарига ишга қабул қилинади.

Шунингдек, бу ерда электромобил ва қувватлантириш, электроавтомобилларга хизмат кўрсатиш, саноат ва дастурлаш, таннарх ва реверс муҳандисларини тайёрлашга мўлжалланган ўқув хоналари мавжуд. Мактабда талабаларга техник аналитик солиштириш, харажатларни моделлаштириш, ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, жараёнларни глобал стандартлар билан таққослаш бўйича ҳам сабоқ бериляётир.

Эътиборлиси, талабалар билан бирдек соҳага қизиқадиган ёшлар 1-3 ой давомида ўқишлари мумкин. Корхоналар ишчилари эса 1-3 йиллик муддатда малакаларини оширадидилар. Мактаб жамоаси бирданига 120 нафар мутахассис тайёрлай олади.

Президент бу ерда таълим олаётган ёшлар билан мулоқот қилди ва вилоятга келишдан мақсад янги ўсиш нуқталарини белгилаш, аҳоли, хусусан, ёшларга муносиб шароит яратиш, уларни юқори даромдли иш билан таъминлаш эканлигини таъкидлади.

Мавзуга оид яна бир маълумот: мамлакат автомобилсозлик саноатида Жиззахдаги корхоналар улуши 25 фоизга етган. Табиийки, бу охириги марра эмас.

Давлатимиз раҳбари вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида ҳам бўлди. Соҳа вакиллари билан кечган суҳбат давомида Давлатимиз раҳбарига етти қаватли бинода жойлашган ушбу шифохона жамоаси кунига 400 беморга хизмат кўрсатиши ҳақида ахборот берилди. Тиббий муассасанинг қиймати 10 миллиард сўмдан ошадиган МРТ, МСКТ каби ускуналар, лаборатория мажмуалари, жаррохлик қурилмалари билан таъминлангани беморларнинг даволиш имкониятларини кенгайттирган.

Радиология, кардиохирургия, офтальмология, урология каби бўлимларга эга

шифохонанинг ишга туширилиши бугун пойтахт ёки қўшни вилоятларга даволашни учун бораётган 70-80 фоиз беморга ўз яшаш манзилларига яқин жойда шифо топиш имконини яратади. Давлатимиз раҳбари бу ерда хорижий илмий тиббий муассасалар билан ҳамкорлик қилиш, тиббиёт кластерларини юзага келтириш, тизимда илғор иқтисодий технологияларни қўллаш, рақамлаштириш ва даволаш жараёнларида сунъий интеллектдан фойдаланишга доир мулоҳазаларини баён қилди.

КАТТА ИСЛОХОТЛАРНИНГ БОШЛАНИШИ

Кишлоқ хўжалигига оид масалалар эса Шароф Рашидов туманининг Учтепа массивидаги «Агропарк» билан танишиш давомида бош мавзу бўлди. Жумладан, ушбу мажмуа деҳқон ва чорвадорларга ўсимликларни ҳимоя қилиш, мини-техникалар, уруғ ва қўчатлар етказиб бериш ҳамда иссиқхоналар қуришда, ветеринария, агрономия хизматларида фойдаланишда қўл келиши таъкидланди. Ўз навбатида, давлатимиз раҳбари марказ фаолиятини янада кенгайтириш ҳамда кишлоқ хўжалигида қўшимча қиймат яратиш бўйича тавсиялар берди.

Президент Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ҳам қатнашди. Юртбошимиз ўз маърузасида вилоят республикада саноати энг тез ўсаяётган ҳудудга айлангани, хусусан, кейинги 8 йилда Жиззахда қиймати 6,5 миллиард АҚШ долларини ташкил қиладиган инвестиция лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилгани, бу маблагнинг 45 фоизи саноатга йўналтирилгани эътироф этилди. Натижада саноат 2,5 триллион сўмдан 25 триллион сўмга, хизматлар 2,5

триллиондан 20 триллионга, кишлоқ хўжалиги 9 триллион сўмдан 30 триллион сўмга ортганига алоҳида эътибор қаратди. Бу рақамларни келтирар экан, Президент: «Албатта, бу – катта ислохотларимизнинг бошланиши. Жиззах вилоятининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти йўлида ҳали кўп ишларни қилишимиз зарур», дея таъкидлади. Ўз навбатида, эътироф этиш керакки вилоятнинг улкан салоҳиятига мос равишда ҳозир 12 миллиард долларлик 152 та йирик инвестиция лойиҳалари портфели тайёрланган.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари мазкур имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда вилоятнинг экспорт салоҳиятини келаятган йилда 500 миллион АҚШ долларига етказиш, 175 минг кишини иш билан таъминлаш, 15 минг одамни камбағалликдан чиқариш талабини қўйди. Сессияда кишлоқ хўжалиги, қурилиш, инфратузилма, сайёҳлик, хизмат кўрсатиш, тадбиркорлик, табиат муҳофазаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги каби кўплаб соҳа ва йўналишларда йирик лойиҳалар амалга ошириляжаги билдирилди.

Президентимизнинг бу галги ташрифи ҳам Жиззахда тараққиётнинг янги босқичига старт берди, дейиш муболага бўлмайди. Бу ўзгаришлар эса вилоят иқтисодий-ижтимоий ҳаётида, одамлар турмушида тез вақтда ўз ижобий ифодасини топажак. Зотан, мамлакат раҳбари белгилаб берган вазифалар бундай дейишга тўла асос бўлади.

Алижон АБДУСАТТОРОВ
«ISHONCH»

ЖИЗЗАХ ЯНГИ ЎСИШ
НУҚТАЛАРИ МАРКАЗИГА
АЙЛАНМОҚДА

Президент Шавкат
Мирзиёевнинг Жиззах
вилоятига ташрифи
тафсилотлари
билан қуйидаги QR
код орқали батафсил
танишинг



Ҳамкорлик



ЎЗАРО МАНФААТЛИ БИТИМ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши ва Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ўртасида меморандум имзоланди. Бундан қўзланган асосий мақсад пойтахт ҳудудида амалга оширилаётган текширувлар, мониторинг ишлари ва улар натижалари юзасидан ахборот алмашиш ва қонунийликни таъминлашдир.

Ҳамкорлар қонуний асосда тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир тавсиялар ишлаб чиқади, саноат объектларида меҳнат хавфсизлиги ва касб касалликларининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўради. Шунингдек, ходимлар томонидан қўрилган саноат хавфсизлиги бузилишлари ҳақидаги маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, қўмита билан биргаликда хавфли объектлар рўйхатини тузиш ва уларнинг мониторингини юритиш, саноат хавфсизлиги соҳасидаги норматив талаблар бажарилиши устидан назоратни амалга оширади.

Азиз ТОҒАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Тошкент шаҳар кенгаши мутахассиси

Яшил макон

СИРДАРЁДА ҲАМ КАСАБА УЮШМАЛАРИ БОҒИ БОР

Бугун биз кўчат эксақ, эртага фарзандларимиз унинг соясида ўтиради. Мана шу ниятда Сирдарё туманидаги 10 гектар майдонда боғ яратилди. Унга 18 минг туп ниҳол ўтқазилди.

– Боғ барпо этишда тупроқ ва иқлим шароитимизга мос кўчатлар танланди, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг вилоят кенгаши раиси Рустамбек Турсунмуродов. – Ҳадемай, ушбу ҳудуд аҳоли эмин-эркин сайр қиладиган сўлим масканга айланади. Кейинчалик бу ерда кўнгилочар тадбирлар ўтказиш режалаштирилган.

Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»

УЧ МИНГ ТУП КЎЧАТ ЎТҚАЗИЛДИ

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси экологик барқарорликни таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда. Шаҳар ва туманларда янги боғлар, яшил ҳудудлар кўпаймоқда.

Касаба уюшмаси фаоллари Навоий вилоятининг Қизилтепа тумани, «Маликобод» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига 3 минг тупдан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари ўтқазиб, умуммиллий лойиҳага ўз ҳиссаларини қўшишди.

Умуман олганда, вилоятимизда амалга оширилаётган бундай ишлар фуқароларнинг табиатга нисбатан масъулиятини оширишга, эртанги кун учун соғлом экологик муҳит яратишга хизмат қилмоқда.

Феруза МАРДИЕВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Навоий вилояти кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири

Шифокорлар ҳар куни турли инфекциялар, кимёвий моддалар ва биологик хавфлар билан тўқнаш келади. Шу боис махсус тиббий кийим-бош ва бошқа химоя воситалари улар меҳнат фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Лекин, афсуски, баъзи иш берувчилар ходимларни махсус кийимлар ва химоя воситалари билан таъминламайдилар. Бундай ҳолатлар кўп учрайди.

Сўзда, Навоий, не десанг чин дегил,
Рост наво нағмага таҳсин дегил.

Алишер Навоий

Муносабат

ТИНЧЛИК, ИЖОД ВА УМУМИЙ КЕЛАЖАК

Бугунги кунда Марказий Осиёда юз бераётган минтақавий консолидация жараёнлари нафақат сиёсий динамика, балки меҳнаткашлар, жумладан, темир йўл соҳасида ишлайдиган минглаб ходимларнинг ҳаётига беvosита таъсир кўрсатаётган чуқур ижтимоий ўзгаришларни ҳам ўз ичига олади. Касаба уюшма фаоли сифатида мен бу ўзгаришларга ижтимоий барқарорлик, меҳнатнинг ҳаракатчанлиги, хавфсизлик, иш билан таъминлаш ва ишчиларнинг фаровонлигига таъсир кўрсатиши нуқтаи назаридан қарайман.

Биз ҳозир минтақа давлатлари ўртасида мустаҳкам ишонч ва ўзаро ҳурмат муҳити шаклланишини кузатмоқдамиз. Бу нафақат сиёсий мулоқот, балки меҳнат кооперациясини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш ва фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини ошириш учун ҳам асосдир. Минтақавий яқинлашув темирйўлчилар учун йирик инфратузилма лойиҳаларида иштирок этиш, транзит салоҳиятини ривожлантириш, касбий малакасини ошириш ва тармоқнинг мамлакатларни бирлаштиришдаги ролини кучайтириш имконини беради.

Таъкидлаш керакки, чегара масалаларини ҳал қилиш ва ўзаро очиқлик даражасини кенгайтириш янги ижтимоий қирраларни яратади. Транспорт соҳаси учун бу хавфсизлик ва самарадорликни оширишни англатади.

Меҳнат жамоалари учун эса иш шароитлари барқарорлаштирилади, касбий алмашинув қўламлари кенгайтирилади.

Қамбарота ГЭС – 1 қурилиши, транспорт йўлакларини ривожлантириш, сув-энергетика режимларини мувофиқлаштириш каби йирик энергетика ва инфратузилма лойиҳалари аниқ ижтимоий ўлчамга эга. Улар ҳудудларнинг ривожланишига туртки беради, иш ўринлари яратади ва чегара ҳудудларининг ижтимоий барқарорлигини мустаҳкамлайди. Темир йўл тармоғи бу борада асосий алоқа бўғини бўлиб хизмат қилади. Айнан транспорт иқтисодиёт ва жамиятнинг амалий интеграциясини таъминлайди.

Гуманитар соҳада маданиятлараро алоқалар мустаҳкамланиб, минтақалараро мобиллик ва ижтимоий алоқалар кўпаймоқда. Бу тўғридан-тўғри ишчиларнинг ҳаёт сифатига таъсир қилади,

Касаба уюшмаси аралашгач...

КЕЧИКТИРИЛГАН ИШ ҲАҚИ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

лан учрашди. Мулоқот чоғида, ҳақиқатан ҳам, қарздорлик мавжудлиги маълум бўлди.

Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида 3 минг 429

нафар ходимнинг жорий йил октябрь ойи учун 34 миллиард сўм иш ҳақи ундириб берилди.

Ўз мухбиримиз

Эътибор

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши раиси, вилоят кенгаши депутати Гулсара Қурбонбоева хонадонларга бориб, одамларни ўйлантираётган ташвишларни ўрганишга одатланган.

КЕНГАШ РАИСИ ХОНАДОНЛАРДА

– Баъзида ҳаёт бир текис давом этаётгандек кўринади. Аммо ҳар бир хонадоннинг ўзига яраша муаммолари бор. Айрим масалаларни ўзаро маслаҳатлашиб, жойида ҳал қилиш мумкин, аммо аксарияти амалий ечим талаб қилади, – дейди Гулсара Қурбонбоева. – Халқ билан мулоқот сиёсати бизга халқ дарди билан яшашни ўргатди.

Дилоромнинг оиласи ана шундай синовли кунларни бошидан кечираётган эди. 42 ёшли аёл автофалокат натижасида II гуруҳ ногиронига айланди. Турмуш ўртоғи Хушнудбек хорижда ишлаб юрганида I гуруҳ ногирони бўлиб қолди. Феруза икки фарзандини қариндошларига беришга мажбур бўлди. Ҳозир икки ярим бир бутун бўлиб, ҳаёт машаққатларини енгиб келишмоқда.

Қишнинг совуқ кунлари яқинлашиб, уйдаги биргина печ ҳам яроқсиз ҳолга келгани оиланинг ташвишига ташвиш қўшди. Оладиган пенсиялари икковининг дори-дармонидан, озиқ-овқатидан ортмайди.

Ана шундай кунларнинг бирида

Урганч туманидаги «Бободехқон» маҳалласи аҳолисининг яшаш шартшароитлари, ҳудуддаги мактаб, боғчаларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик қандай бораётгани билан танишиш учун келган Гулсара Қурбонбоева қўллаб-қувватлов қатори Дилоромнинг ҳам дардини тинглади. Сўнгра унинг уйига бориб вазиятни ўрганди, Дилором ва Хушнудбек билан яқиндан танишди. Уларга руҳий далда берди.

Қисқа фурсатда хонадонга янги печь қуриб берилди. Дилоромнинг даволалиши учун ёрдам кўрсатилди.

– Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар марказида инсон турибди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Янги Ўзбекистон – инсон ҳаёти, ҳуқуқлари ва манфаатлари қонун асосида ишончли химоя қилинадиган давлат». Биз ҳар бир инсон ислохотлар самарасини ўз ҳаётида ҳис қилиши учун хизмат қиламиз, – дейди Гулсара Қурбонбоева.

Мухаббат ТўРАБОЕВА
«ISHONCH»



Мулоқот

САМАРАЛИ ВА ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Тошкент архитектура–қурилиш университетиди «Раҳбар ва ёшлар: Конституция – ҳуқуқ ва эркинликларимиз қафолати» мавзусида очиқ мулоқот ташкил этди. Унда 133 нафар талаба, 25 нафар ишчи-ҳодим ва бошқалар иштирок этишди.

Мулоқот мобайнида кенгаш раиси ўринбосари Нодир Деҳқонов сўзга чиқиб, мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлида олиб борилаётган ислохотларга тўхтади. Шунингдек, 120 йиллик тарихга эга касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалга ошираётган ишлар ҳақида маълумот берди.

Шундан сўнг ёшларга оид давлат дастурининг аҳамияти, Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлар, ижтимоий фаолликни оширишга қаратилган масалалар муҳокама қилинди. Тала-

балар ўзларини қизиқтирган саволларга мутасаддилардан батафсил жавоб олдилар.

Учрашув сўнггида университетнинг Гидротехника ва геотехника муҳандислиги кафедраси профессори Ўлмас Ҳусанхўжаевга 85 ёшга тўлиши муносабати билан эсдалик совға ҳамда тасарруфдаги сихатгоҳларнинг бирида соғлиғини тиклаши учун йўланма топширилди.

Нодира ШАМСИЕВА,
Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши мутахассиси

Меҳнат муҳофазаси

МАХСУС КИЙИМ–БОШСИЗ ИШЛАШ МУМКИНМИ?

Химоя воситалари тана ва кийимга тушиши мумкин бўлган микроорганизмлар беморларга ёки атрофдагиларга қайта юкишининг олдини олади. Натижада шифохоналарда хавф камаяди.

Яқинда Паркент тумани тиббиёт бирлашмасида ўтказилган жамоатчилик назорати жараёнида масъулларнинг бепарволиги оқибатида қарийб 1500 нафар ҳодим махсус кийим-бош билан таъминланмагани аниқланди. Соғлиқни сақлаш ходим-

лари касаба уюшмасининг Тошкент вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори томонидан бу ноқонуний ҳолатни бартараф этиш юзасидан кўрсатма хати киритилди. Бироқ иш берувчи унинг талабларини бажармади. Оқибатда масала фуқаролик ишлари бўйича судга оширилди. Суд қарорига кўра, иш берувчи зиммасига жами 1431 нафар тиббиётчига махсус кийим-бош бериш мажбурияти юклатилди.

Бундай ҳолатлар СЗО ва ЖС бўлими Пар-

кент тумани бўлимида ҳам кузатилган. Яъни, муассасадаги 60 нафарга яқин ишчиларга махсус кийимлар ажратилмаган. Меҳнат-техник инспектори томонидан Бу камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатма хати киритилганидан сўнг СЗО ва ЖС Паркент тумани бўлимининг 40 нафар ходимига иш берувчининг маблағлари ҳисобидан махсус кийимлар тарқатилди.

Шунингдек, Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий

тиббиёт марказининг наркология хизмати бўйича Тошкент вилояти филиалида ҳам жорий меъёрлар бузилгани кузатилди. Кўрсатма хати сабабли ушбу муассасада ҳам муаммо ижобий ечим топишига эришилди.

Жўрабек ИСЛОМБЕКОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори



МИЛЛИЙ ЖУРНАЛИСТИКАДА ҚИЁСИ БЎЛМАГАН ҲАҚИҚАТ

Самарқанд давлат университетида «Миллий журналистикамиз тараққиёти ва Маҳмудхўжа Бехбудий феномени» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Туркистон жадидлик ҳаракатининг асосчиларидан бири, улуг маърифатпарвар олим, мохир журналист ва драматург Маҳмудхўжа Бехбудийни 150 йилдирки ўрганишга қандай асослар бор? Таҳликали замонда сўз қудратига таяниб, қалами орқали халқимизни ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишга, илм олишга даъват этган, жамиятдаги иллатлар илдизига болта урган маърифатпарвар инсондан ўрганадиган, андоза оладиган жиҳатларимиз ҳали кўп.

Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах ва Навоий вилоятлари оммавий ахборот воситалари вакиллари, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзолари, университет профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалар иштирок этган тадбирда Бехбудийнинг ҳаёти, фаолияти ва бу йўналишда олиб борилаётган тадқиқотлар хусусида сўз юритилди.

Анжуманда сўз олган Самарқанд давлат университети ректори, профессор Рустам Холмуродов, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Холмурод Салимов, Олий Мажлис Сенати аъзоси, «Ishonch» va «Ishonch-Doverie» газеталари бош муҳаррири Ҳусан Эрматов, «Зарафшон» ва «Самарқандский вестник» газетлари бош муҳаррири Фармон Тошев, бехбудийшунос олим Ҳалим Саидов ва бошқалар давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг буюк жадид боболариниз, хусусан, Маҳмудхўжа Бехбудий ҳаёти, илмий ва ижодий фаолиятини ўрганиш ҳамда кенг тарғиб этишга қаратилган эътибори натижасида бу йил юртимизда маърифатпарвар адиб таваллудининг 150 йиллиги муносабати билан кўплаб маърифий-маданий тадбирлар, илмий анжуманлар ўтказилаётганини таъкидлашди.

– Маҳмудхўжа Бехбудий маърифатпарвар олим, мохир журналист ва драматург сифатида тарихдан жой олган. Улуг аллома эрк учун қалами, сўзи билан курашди, юртдошларини илм-маърифатга чорлади, – деди анжуманда сўзга чиққан бехбудийшунос олим, профессор Ҳалим Саидов. – Буюк бобомизнинг миллий журналистикамиз ривожига қўшган ҳиссаси ҳам бекиёс. У ўтган аср бошларида Самарқандда «Самарқанд» газетаси, «Ойна» журналлари ташкил этиб, халқни маърифатга ундади. Дарсликлар ёзиб, ота-оналарни фарзандларини ўқитишга, уларга хорижий тилларни ўргатишга даъват этди. Алломанинг бу борадаги қарашлари бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Конференция доирасида иштирокчилар университетидаги таълим жараёнлари, шунингдек, САМДУ қошидаги Биокимё, Муҳандислик физикаси институтлари, сунъий интеллект ва рақамли технологиялар факултети ҳамда Самарқанд шаҳридаги Маҳмудхўжа Бехбудий уй-музейида бўлишди.

– Гарчи Самарқандга кўп келсак-да, шу вақтгача Бехбудий уй-музейида бўлиш nasib қилмаганди. Анжуман боис ўз даврининг етакчи нашрлари бўлган газета ва журналларнинг нусхаларини кўрди, – дейди жиззахлик ижодкор Лағофат Раҳмат. – Тарихий манбалар билан танишиб, шуни англадимки, биз Бехбудий ҳаётини ҳали кўп ўрганишимиз керак экан.

Ургут туманининг Деҳқонобод маҳалласида Олий Мажлис Сенати аъзоси, таниқли адиб ва шоир Абдусад Қўчимов кутубхонаси билан танишув чинакам ижодий мулоқотга айланди. Тадбир иштирокчилари томонидан кутубхонага 300 нусхадан зиёд китоблар совға қилинди.

Шу куни «Зарафшон», «Самарқандский вестник», «Овози тожик» газеталари ижодий жамоаларининг «Зиндондан нидо», «Амал ҳавоси», «Катта хонадон», «Мардикорнинг севгиси» каби китоблар муаллифи, таниқли адиб Муҳаммад Салом билан учрашуви бўлиб ўтди. Тўқсонни қоралаган адиб, табаррук ёшда ҳам қаламни қўлидан қўймай келмоқда. У ўзининг бундан олтимиш йил муқаддам Самарқанд билан боғлиқ ҳаёт йўли, турли наشرларда эълон қилинган танқидий-таҳлилий мақолалари хусусида фикр юритди.

Бир сўз билан айтганда, Самарқандда бўлиб ўтган тадбирлар мазмун ва мундарижаси серқирралиги билан ўзгача кечди.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

TSSN 2030-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

9 772030 500009

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarі tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shog'osim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehriiddin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir: Gulruhbegim ODASHBOYEVA

Musahhihlar:
Dilorom XUDOYBERGANOVA, Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:
Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 18.30
Toshirildi – 19.00

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 32 070 ta
Shunda: 6 073 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

18 116 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

7 881 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma G-1112**
1 2 3 4 5 6